

Тошкент ш.

2025 йил 10 июнь

Амалдаги Низомга асосан иш юритувчи Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (бундан буён «Етказиб берувчи» деб юритилади) ректор И.У.Маджидов бир томондан, Низом асосида иш олиб борувчи «BOUTIFUL HARVEST» деҳқон хўжалиги раҳбари Н.Ф.Ғофуров иккинчи томондан (бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади), мазкур шартномани куйидагича туздилар:

### 1. Шартнома мазмуни

1.1. Шартнома асосида «Етказиб берувчи» «Буюртмачи»нинг топшириғи ва иштироки асосида «BOUTIFUL HARVEST» деҳқон хўжалигига куйидаги юксак ўсимликлар биомассасини етказиб бериш:

т/р	Ўсимлик номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1.	Азолла	тонна	4	4300000	17200000
2.	Эйхорния	тонна	2	5800000	11600000
3.	Пистия	тонна	2	5600000	11200000
4.	Ряска	тонна	2	5000000	10000000
<b>Жами</b>					<b>50000000</b>

### 2. Шартнома баҳоси ва ҳисоб - китоблар тартиби

2.1. Шартноманинг 1.1. бандида келтирилган етказиб бериладиган юксак ўсимликларнинг қиймати 50000000 ( эллик миллион) сўм.

2.2. «Буюртмачи» ва «Етказиб берувчи» ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг, олдиндан 15% тўлов амалга оширилади. Шартномада кўрсатилган 15 % маблағ «Буюртмачи» томонидан «Етказиб берувчи» ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказилиши билан шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган ўсимликларни шартнома имзолангандан бир йил давомида етказиб берилади.

2.3. Ўсимликлар тўлиқ етказиб берилгандан сўнг «Топшириш-Қабул қилиш» далолатномаси ва ҳисоб - китоб варақаси (счёт-фактура)ни тақдим қилингандан сўнг бир ой муддатда тегишли 85% тўловлар тўлиқ амалга оширилади.

2.4. Етказиб берилган ўсимликлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Етказиб берувчи» ушбу шартноманинг 1.1 бандида келтирилган ўсимликларни «Буюртмачи»га ўз вақтида етказиб бериши шарт.

3.2. «Буюртмачи» «Етказиб берувчи» хизматлари учун шартнома имзолангандан сўнг мазкур шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ тўлаши лозим.

3.3. «Буюртмачи» «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган ўсимликларни қабул қилиб олади.

3.4. Томонларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланилади.

### 4. Ишни топшириш ва қабул қилиш қоидалари

4.1 «Етказиб берувчи» ўз вақтида шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган ўсимликларни юк хати билан «Буюртмачи»га топширади. «Буюртмачи» ўсимликнинг сифатини текшириб, Хисоб фактура тузилгандан сўнг шартнома шартлари бажарилган ҳисобланади.

## 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни Томонларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг, низоларни ҳал этиш учун Томонлар тарафидан танланган иқтисодий судида кўриб чиқишга топширилади.

## 6. Форс - мажор ҳолатлари

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар - зилзила, ёнғин, сув тошқини ва шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистан Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда, мажбурият бажарилмаганлиги учун Томонлар жавобгарликдан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 7. Яқуний қондалар

7.1 Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, Томонларнинг бунга ваколатли вакиллари тарафидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

## 8. Бошқа шартлар

8.1. Шартнома ҳар иккала Томоннинг бевосита келишувига биноан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади ва унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади.

## 9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома икки томонлама имзоланган кундан кучга кириб, 2026 йил 10 июнгача амал қилади.

### БУЮРТМАЧИ:

“BOUNTIFUL HARVEST” деҳқон хўжалиги  
Тошкент шаҳар, Сергели туман Тавалло  
кўчаси 1-уй  
Тел:+99899 510 73 66  
х/р: 20208000905555914001  
ИНН 309772995 МФО: 00978  
Банк: “Ипотека банк” Сергели филиали

Директор  Н.Ф.Гофуров



### ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:

Ўзбекистон Миллий университети  
ректори

100174, Toshkent sh., Olmazor t., Universitet  
ko'chasi., 7 uy

Tel.: 71 227-12-24; 71 246-53-21

sh/r: Ш/х: 400110860262807094100350001

ИНН: 200 845 944 ОКОНХ: 92 110

STIR: 200845944 MFO: 00901

O'z.R.Moliya g'aznachiligi

H/r № 23 402 000 300 100 001 010

STIR: 201122919 MFO: 00014

Markaziy bankning Toshkent shahridagi Bosh  
boshqarmasi ХККМ

Проректор 

Ё.С.Эргашов

